


V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб–кувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2018 йилнинг январь–июнида 2 005та кичик бизнес субъектларини (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этиш имконини берди.(2017 йилнинг шу даврига нисбатан 94,0 фоизга кўпdir).

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2018 йил январь–июнь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 26,8 фоизи), саноат тармоғида (26,3 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига (6,5 фоиз) ва курилишда (10,2 фоиз) ташкил этилган.

2018 йилнинг январь–сентябрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– 1 536,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 54,8 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 121,6 фоизни ташкил қилди;

– 1 891,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 93,8 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 111,6 фоизни ташкил қилди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 3 111,0 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 35,1 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 104,3 фоизни ташкил қилди;

– 4 795,0 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (вилоят жами хизматлар ҳажмининг 73,5 фоизи), 2017 йилнинг январь–сентябрга нисбатан ўсиш суръати 104,3 фоизни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 90,5 фоизи ёки 4991,1 млрд. сўми (ўсиш суръати 1,8 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 148,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 53,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 201,5 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 46,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 6,6 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 96,4 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 3,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 95,9 фоизи) кўпайиши таъминланди;

2018 йилнинг январь–июнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 61,6 фоизни, саноатда – 35,1 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига – 97,5 фоизни, қурилишда – 93,8 фоизни ва чакана савдо – 90,5 фоизни ташкил қилган.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши
(январь–сентябрь, фоизда)**

